



100 китоб
тўплами

ҚОРАҒАТ ЕТИШТИРИШ



42-КИТОБ

AGROBANK

100 китоб тўплами

ҚОРАҒАТ ЕТИШТИРИШ

42-китоб



634.7
К 59

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ендашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни энг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.


Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпланда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатига етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажақда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали булади.

Ҳосилингиз мул-қўл, даромадингиз баракали бўлсин!



**Рустам Маматқулов,
“Агробанк” АТБ Бошқарув раиси.**

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:

Р.М. Абдуллаев – Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти “Мева, резавор экинлари селекцияси ва нав ўрганиш” бўлим бошлиғи қ.х.ф.н.

Ҳ.Р. Абдуллаева – Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти “Мева экинлари ва узум коллекцияси” бўлим бошлиғи қ.х.ф.д.

Тақризчилар:

А.С. Рустамов – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи, қ.х.ф.н. катта илмий ходим.

М.М. Якубов – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий - тадқиқот институти Мевали экинлар агротехникаси ва интенсификация боғдорчилик бўлими бошлиғи қ.х.ф.н., доцент.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

Мухаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпланда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

I МУНДАРИЖА

Кириш	6
Қорағатнинг биологик хусусиятлари	9
Қорағат агротехникаси	14
Тупроқни экишга тайёрлаш.....	16
Экиш схемаси ва муддати.....	16
Ўғитлаш	19
Сўғориш.....	21
Ўсимликни парваришлаш	22
Кўпайтириш	24
Қора қорағат навларининг таснифи	26
Зараркунанда ва касаллик.....	35
Меваларни қайта ишлаш	38
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	45

I КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қароридаги вазифалар муҳим стратегик вазифалардан ҳисобланиб, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқиш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалмиларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбop қишлоқ хўжалик экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳажмини янада кенгайтириш ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлашни талаб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида жадал ислохотлар олиб борилмоқдаки, бу ҳозирданок аграр соҳада ўз натижаларини бера бошлади.

Ўзбекистонда етиштириладиган сархил мева-резавор экинлар ичида ер тути, қорағат (смородина), хўжағат (малина), крижовник ва чаканда (облепиха)га аҳоли ўртасида талаб катта. Улар жуда мазали, парҳезбop таом бўлиб, қайта

ишлаш учун жуда яхши хомашё ҳам ҳисобланади. Резавор мевалар хушбўй мазаси, таркибида организм учун зарур бўлган витаминлар ва минерал тузларнинг кўплиги ҳамда шифобахш хусусиятлари туфайли севиб истеъмол қилинади.

Резаворларнинг истеъмолдаги физиологик нормаси унчалик кўп эмас, лекин инсон организмга таъсири жуда катта. Резавор мевалар таркибида органик кислоталар, қанд моддаси, минерал тузлар, ошловчи моддалар, турли витаминлар мавжуд, улар инсон ҳаёт фаолиятига яхши таъсир кўрсатади. Истеъмол қилинган резавор мевалар организмда модда алмашинувини, овқат ҳазм қилишни, юрак фаолиятини яхшилашга имкон беради, ферментлар ажралиб чиқишини, қон айланишини кучайтиради, демак, резавор меваларни кўп истеъмол қиладиган киши тез қаримайди, узок умр кўради.

Тиббиёт нуқтаи назаридан овқатланиш институти тавсиясига кўра, одам бир йилда 92 кг мева ва резавор истеъмол қилиши керак. Шундан 14,4 килограмми резаворлар бўлиб, жумладан, қулупнай ва хўжағат 3,8 килограмм, қора, олтинсимон ва қизил қорағат 5,1 кг, крижовник 1,7 килограмми ташкил этиши лозим.

Ўзбекистонда Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари шароитида резавор экинлар етиштириш катта истиқболга эгадир. Мавжуд табиий-иқтисодий омиллар билан суғоришни бирга қўшиб борганда қулупнай, қорағат, хўжағатдан юқори ҳосил олиш, тоғли ҳудудларда эса – хўжағат, маймунжон (ежевика), қора қорағат дарё соҳилларида эса чаканда етиштириш имкониятлари мавжуддир.

Озиқ-овқат программаси талаблари асосида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, резавор меваларни етиштиришни кўпайтириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш ва аҳолини мева ҳамда резавор мевага бўлган эҳтиёжини қондиришда фермер хўжаликларига деҳқон хўжаликлари кўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Республикамизнинг йирик шаҳарлари атрофида ва туманларда кўпчилик оилалар ўз томорқа участкаларида эртаги қулупнай, қорағат, хўжағат етиштириб, кўшимча даромад олишмоқда. Томорқа участкалари учун ер ажратиб бериш тадбири йил сайин кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан шаҳарликларнинг ҳам мева-резавор экинлари етиштиришга қизиқиши ортмоқда.

Резавор экинлар тез ҳосилга кириши ҳамда муттасил ҳар йили мева бериши билан ажралиб туради. Уларни бачкисидан, новдаларини қаламча қилиб, пархиш қилиб, тупларини бир неча бўлақларга бўлиб кўпайтириш мумкин, бу даврий хусусиятга эга эмас. Хўжағат кўпгина навларининг бир йиллик шохлари ёзнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кеч кузгача яхши ҳосил беради.

Резавор мевалар ҳўллигича истеъмол қилинади ҳамда қайта ишлаб улардан мураббо, жем, мармелад, повидло, музқаймоқ, конфет, пирог ва шарбатлар тайёрланади.

Сўнгги йилларда янги йўналиш-шифобахш боғдорчилик вужудга келмоқда. Бундан мақсад-турли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда ишлатиладиган экинларни етиштиришдир.

Халқ табобатида юрак хасталиги, буйрак, жигар, талоқ, ўт йўллари касалликларида, ошқозон катари (шиллик пардаларининг яллиғланиши)нинг ҳамма турларида резавор мевалар истеъмол қилиш тавсия этилади. Қорағат тиббиётда цингага қарши восита сифатида машҳурдир, у юрак-томир ва бошқа касалликларни даволашда фойда беради.

I ҚОРАҒАТНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қорағат кўп йиллик бутасимон ўсимлик. Ўзбекистонда қорағатнинг қора, олтинсимон, қизил, оқ ва пенсильвань каби турлари кенг тарқалган.

Қора рангли қорағат тошёраргуллилар оиласининг *Ribes* турига мансуб. Қора ва қизил қорағат новдадаги куртакларнинг жойлашиши, пўстлоғининг ранги ҳамда мевасининг хушбўй хидли ёки хидсиз бўлиши билан фарқланади. Қора қорағатнинг бир йиллик новдаларининг пўстлоғи сариқ рангли бўлиб, узун-узун кулранг чизиғи бор, ўса борган сари пўстлоғи жигарранг тусга киради. Бутун новдаларидан сепкилсимон доғлари кўзга ташланади. Куртаги, япроқлари, пўстлоғи ва меваси ўзига хос хидга эга. Қизил қорағатнинг хиди йўқ, барча новдалари секин ривожланиши билан қора қорағатдан осон ажратиш мумкин. Қора қорағатнинг гул-куртаклари аралаш, қизилники эса оддий бўлади.

Қора қорағатнинг ҳар бир гулкуртакларидан бир вақтнинг ўзида ҳам вегетатив, ҳам мева органлари ривожланади, қизил қорағатнинг битта куртагидан барг ва новда, бошқа куртагидан эса фақат гул чиқади.

Оддий рангли-олтинсимон қорағат қизил ва қора қорағатга кўра кучли ўсиши билан кескин фарқ қилади. Туплари баланд. Барглари крижовникига ўхшаш, хидли, гуллари эса тўқ сариқ, ўткир хидли. Меваси ўзига хос хушбўй.

Қора қорағат - кўп йиллик бута ўсимлик бўлиб, илдиз тизими попуқ илдиз. Бу тур қорағат уруғидан, қаламчадан, пархиш қилиш йўли билан ва тупларни бўлиш йўли билан кўпайтирилади. Барглари қатор жойлашган бўлиб, уч-беш

бўлаккли ёки бутун. Баргларининг пастки томони ва бир йиллик шохларида ўзига хос ҳидли безлар бор.



Қора қарағат тупининг кўриниши

Қорағат бир йиллик шохлардаги бўғинларида ҳалқасимон новдада мева тугади. Ҳалқасимон новдалар 3-4 йил яшайди, кейин қуриб қолади ёки охириги куртак ўсувчи шохларда ривожланади.

Меваси қора ёки қўнғир рангда, думалоқ, чузиқ, ноксимон ёки ясси шаклда. Мевасининг таркибида С, В, В₂, А, Р, К₁ каби витаминлар, қанд, органик кислота, хушбўй моддалар бўлгани учун ҳам қимматлидир. Улар янги узилган, қурилган, музлатилган, мураббо шаклида ҳамда шарбат ҳолида истеъмол қилинади.

Қора қорағатнинг меваси бошқа турдаги қорағатларга қараганда аскорбин кислотасига анча бой, нави, намгарчилик ва ҳарорат шароитига қараб таркибида витамин "С"

10,17 дан 344,66 мг % гача бўлади. Меваси таркибида 5,0 дан 13,6% гача қанд моддаси, 0,96 дан 3,92% гача кислоталар, 0,39-1,44% пектин моддаси мавжуд.

Қорағат меваси билан тайёрланган шарбат билан томоқ оғриғи, хириллаш (бўғилиш), кўк йўтал касалликларини даволаш мумкин. Шунингдек, бу фойдали шарбатлар ошқозон яраси ва ичак касалликларини даволаш мақсадида ҳам ичилади.



Қора қарағат тупида меваларнинг жойлашиши

Қора қорағат эрта ҳосил берадиган ўсимлик, у экилганидан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.

Қизил қорағат. Қизил ва оқ қорағатнинг маданий навлари қорағатнинг уч туридан келиб чиққан: оддий, қизил ва қояли. Қизил қорағат кўп йиллик бута, унинг илдиз тизими 1,5 метргача пастга тушади. Барглари қатор жойлашган бўлиб, уч-беш парракли ёки бутун.

Мева куртаклари бир йиллик буталарда битта-биттадан, икки ва кўп йиллик новдаларда эса тўп-тўп бўлиб, бир ва икки йиллик ўсимталар оралиғида жойлашади.

Гулкосаси қўнғироққа ўхшаш, ликобчасимон ёки косасимон. Гултожиси бешта кичик сарғиш ёки кўкимтир гулбарглاردан иборат. Уруғдони бир уяли, кўп уруғли. Чангловчи

оталиги бешта. Уруғчи устунчаси, иккита бир-бирига ёпишиб ўсган. Оғизчаси иккига ажралган.



Қизил қорағат меваси

Гуллари гулбандида йиғилган. Меваси думалоқ ясси шаклда. Қизил қорағат меваси қизил, тўқ ва оч-қизил рангли ёки пушти, оқ қорағат меваси эса сарғиш, оқиш рангли бўлади.

Қизил қорағат мевасининг таркибида 4,86-7,94% қанд моддаси, 0,589-2,350% кислоталар, 26,0-76,0 мг% С ва 1081,7 мг% Р витаминлар ҳамда хушбўй моддалар бор. Мевалари янги узилган ва шарбат ҳолида истеъмол қилинади.

Қизил қорағат худди қора қорағат каби қаламча, пархиш қилиб буталарини бўлиб ҳамда янги нав яратиш учун уруғидан кўпайтирилади, серҳосил экин. Ўзбекистонда қизил қорағат навлари тоғ-тоғ олди худудларда экиш тавсия қилинади.

Қорағатнинг қизил нави ўзидан ўзи чангланади. Экилганидан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.



Қизил қорағат қаламчаларини ривожланиши.

Олтинсимон қорағат - кўп йиллик бута бўлиб, илдиз тизими 2 метр чуқурликкача етади. Барглари навбат билан жоиллашган, уч-беш бўлакли, оч ва тўқ яшил рангли бўлиб, бўзилари бир оз айримлари эса тарвақайлаб кетади. Ташқи кўриниши крижовник ўсимлигининг баргларини эслатади. Қанда бу нав қорағатнинг барглари тўқ қизил ёки сарғиш қизил ранг олади.

Қорағатнинг гуллаши март ойи охири апрелнинг биринчи ўн кунлигига тўғри келади, меваси эрта баҳорда майнинг охирида июннинг биринчи ўн кунлигида, яъни қора қорағатнинг эртаги навлари билан тенг пишиб етилади. Бироқ баъзи навларининг етилиши бир оз чўзилади. Меваси - қора, қизил, тўқ сариқ, сариқ, бинафша рангларда бўлади.



Олтинсимон қорағат меваси

Олтинсимон қорағат мевасининг таркибида 6,29 дан 13% гача қанд моддаси, 0,94 г дан 2,04% гача кислоталар, 43,2 дан 187 мг% гача витамин С, 8,05 мг% гача А провитаминлари ва 1,5% пектин (қуруқ масса ҳисобида) моддаси бор. Қорағат меваси янги узилган ҳолда, компот, мураббо, шарбат ва желе (мева шарбатининг қуюлтирилгани) ҳолида истеъмол қилинади.

Олтинсимон қорағатни қаламча қилиб, буталарини бўлиб ҳамда уруғидан кўпайтирилади. Ҳосилдорлиги бошқа навларга нисбатан анча юқори: ҳар бир тупидан 8-20 килограммгача мева териб олинади. Қорағат туплари ўтказилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган селекция ишлари натижасида қорағатнинг юқори ҳосилли, иссиққа чидамлилиги, мевасининг йириклиги билан республикамизда ҳамда бошқа Ўрта Осиё республикаларида кенг тарқалган бир нечта истиқболли нав ва шакллари яратилган.

■ I ҚОРАҒАТ АГРОТЕХНИКАСИ

Ер танлаш. Олтинсимон, қора ва қизил қорағатлар ўзига хос биологик хусусияти ҳамда ўсаётган жой шароитига бўлган талаблари билан ажралиб туради.

Олтинсимон қорағат алоҳида тупроқ ёки ҳарорат талаб қилмайди. Қорағат Қорақалпоғистонни қорсиз қиши, жазирама иссиғига бардош беради. Фарғона вилоятининг Фарғона, Водил, Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон боғларида ва Тянь-Шань тоғларида, Мирзачўлда, Хоразм ва Ромитанда енгил, қумоқ ва оғир қумлоқ тупроқли, шўрхоқ, тошлоқ ерларда яхши ўсади ҳамда ҳосил беради. Шунингдек, сув билан яхши таъминланган ерларда, шимолий ва шимоли-ғарбий ёнбағирларда юқори ҳосил олинади.

Қора қорағат иссиқ шамолдан ҳимоя қилинган майдонларда шимолий ёки шимоли-ғарбий нишабликдаги мевали боғлар қатор ораларига экилгани маъқул.

Чўл зоналарининг тез-тез ва кучли шамол бўлиб турадиган ҳудудларида қорағат плантациялари барпо қилишда, албатта, боғларни ҳимоя қилиш полосаларини ҳам унутмаслик керак.

Қора қорағат пастқам жойларда намлик етарли, лекин ботқоқ бўлмаган ерларда ўсади. Шунингдек, ёғингарчилик етарли миқдорда бўлиб турадиган тоғли туманларда ҳам ўсади ва юқори ҳосил беради.

Қизил қорағат Ўрта Осиёнинг иссиқ ва қуруқ шароитида яхши ҳамда соя ерларда ўсади, бироқ унинг ҳосилдорлиги пастроқ бўлади. Мевалари тупнинг ўрта қисмида ғуж-ғуж бўлади, кўчати энига кучли ўсади ва 0,2-0,4 дан 1-2 килограммгача ҳосил беради.

Шамол кучли бўладиган туманларда экинлар учун ҳимоя полосалари ташкил қилиш зарур. Қорағат эрта баҳорда гуллагани учун ҳам ҳимоя полосалари муҳим роль ўйнайди. Чунки бу даврда ҳарорат паст, шамол эса кучли бўлиб, асалариларнинг учишига тўсқинлик қилади, натижада экинларнинг чангланиш жараёни маълум муддатга кечикади.

Бундай муҳим тадбирлар, айниқса, олтинсимон қорағат учун тааллуқлидир, чунки уларнинг чангловчилари ҳашаротлар ҳисобланади. Ҳимоя шунинг учун зарурки, бу тадбирлар туфайли асалари ва ҳашаротлар воситасида гулларнинг чангланиши яхшиланади, ўсиш учун микроиклим яратилади, баргларининг иссиқдан куйиши ва эрта тўкилиши камаёди.

Совуқ ва қуруқ шамолли туманларда қорағат плантацияларини ҳамма томондан ҳимоя қилиш лозим, бунинг учун ниқоллар боғнинг ўртасига экилиши керак. Бalandлиги 10-12 метрли дарахтлар янги ўтказилган экинларни ноқулай об-ҳаво шароитидан яхши ҳимоя қилади.

■ I ТУПРОҚНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Қорағатни ўтқозишдан аввал тупроқни экишга тайёрлаш лозим. Чунки унинг ривожланиши ва ҳосил бериши худди шу тадбирларни омилкорлик билан ўтқозишга боғлиқ. Кўп йиллик, бир йиллик дуккакли ва чопиқ қилинадиган экинлар тупроқ таркибини яхшилайти. Тупроқ унумдорлигини ошириш учун экишдан олдин ерларга маҳаллий ўғитлар билан бирга фосфорли ва калий ўғитлари солиш лозим.

Ерларга тез-тез маҳаллий ва минерал ўғитларни юқори дозаларда солиш имконияти ҳамма хўжаликларда ҳам мавжуд бўлмайди. Бундай шароитда тадбиркорлик билан иш юритиш керак бўлади. Масалан, экиш вақтида траншея усулида ҳар бир чуқурнинг тагига 300-500 грамм маҳаллий ўғит ва суперфосфат, 50-100 грамм калийли туз ёки 200-300 грамм суперфосфат билан 5-10 кг чиринди аралашмаси солинади.

Экишдан олдин ерлар 50-60 сантиметр чуқурликда плуг билан ҳайдалади, шағалли жойлар 25-30 см чуқурликда ҳайдалиб, чизель қилиниб текисланади.

■ I ЭКИШ СХЕМАСИ ВА МУДДАТИ

Ўрта Осиё шароитида қорағатни кузда ва баҳорда ҳамда кишнинг илиқ кунларида ҳам экиш мумкин. Баҳорда экиш учун тупроқ кузда тайёрлаб қўйилади. Баҳорда ўтқозиладиган кўчат кўртақ ёзмасдан олдин экилиши керак.

Қора ва қизил қорағат кўчатини экиш учун кенглиги 30,

чуқурлиги 50 см ли чуқурча
 қавлаш керак. Олтинсимон қо-
 рағатнинг илдиз тизими анча
 кенг бўлганлиги учун кенглиги
 60 м, чуқурлиги 60 м гача қавла-
 нади. Ҳар бир чуқурчага (кўчат
 ўтказиладиган уячага) даст-
 лабки иккинчи-учинчи йили ўсимликнинг ривожланиши,
 оғирликга киришини тезлатиш учун тупроқ билан гўнг-минер-
 ал аралашмани ўғит солинади. Ўғитланмаган буталар секин
 ўсаяди ва тезда қариб қолади. Ўтказилган кўчатнинг илдизи
 кўчиқиб қолмаслиги учун дарҳол сув қўйилади ва кўмилади.



Олтинсимон қорағатнинг кўчати ва гуллаб тургани

Экиш учун фақат яхши ривожланган, соғлом кўчат тан-
 ланади. Ўтқозиш қулай бўлиши ва қишда яхши сақланиши
 учун кўчат новдалари кесилмайди. Илдизлари аста текисла-
 ниб, яхши тутиб кетиши учун гўнг, тупроқ, сув аралашмасига
 ботириб олинади ва сунгра чуқурчага экилади.

INV № 8р 333 62

Буталарни жойлаштириш. Барча ихтисослашган фермер хўжаликларида кўчатлар 2,5-3 метр масофада қатор ораларига жойлаштирилади. Бу усул тупроқни ишлаш ва қорағатни бутун ўсиш даврида механизация билан парваришда қўл келади. Кўчат қилинадиган барча қорағат турлари қаторларда 1-1,5 метр ораликда жойлаштирилади.

Янги навлар яратиш ва ҳудудлаштириш муносабати билан олтинсимон қорағатнинг озикланиш майдони ўрғаниб чиқилди. Шунгача қора, қизил ва олтинсимон қорағат 2x2 метрли схемада ўтказилар эди. Бундай майдон қора ва қизил қорағатга икки йўналишда ишлов беришни, олтинсимон қорағат учун эса ҳосилга киргач, учинчи йили фақат қатор ораларига ишлов беришни тақозо қиларди. Аммо буталарнинг қалинлашиб кетиши оқибатида экинларни парваришlash, қатор ораларига ишлов бериш ва ўғит олиб кириш жуда қийин бўларди.



Янги олтинсимон қорағат боғи

Қорағат танаси тик ўсганда аста ривожланиб, диаметри 4,5-5 сантиметрга катталашди ва кичикроқ дарахтча кўринишига эга бўлди.

Бундай шаклда ўсимлик танасини 60-80 сантиметрдан кенгайтирилганда тик ўсмади, новдалари эгилиб кетди. Шунинг учун уларни симбағазларга боғлашга тўғри келди. Тоғорқа хўжалигининг унча катта бўлмаган майдонларида йирик-йирик мева олиш учун қорағатни тик шаклда танасини 40 сантиметрдан ошиқ бўлмаган баландликда ўстириш мақсадга мувофиқдир. Бунда, қорағат новдалари танасининг юқорироқ қисмида жойлашган бўлиши лозим.

Буталарни тик ўстириш усули манзарали боғдорчиликда ҳам қўлланиши мумкин.

Буталарни парваришlash. Кўчатлар экилган заҳоти тупроқ билан баробар қилиб ёки ердан уч-тўрт куртак баландликда кесилади.

Қорағат плантацияларида ерларни юмшоқ ҳамда нам ҳолда сақлаш мақсадида қатор ораларига ўсиш даврида тўрт-олти марта ишлов берилади. Ернинг қуриб, қотиб ва бетона ўт босиб кетишига йўл қўйилмайди.

Ишлов беришнинг кечикиши, ерларни бегона ўт босиши қорағат ҳосилдорлигини камайтириб юборади. Бегона ўтлар пайдо бўлиши билан (икки-уч марта) юлиб ташланади.

Баҳорда ҳамда кузда меваси териб олингач, қатор оралари 12-15 см чуқурликда юмшатилади, 15-18 см чуқурликда ўғит солиниб, буталар атрофига тупроқ тортилади.

ЎҒИТЛАШ


Сўғориладиган ерларда агротехника тадбирлари комплексига ва минерал ҳамда органик ўғитлар бериш қоидасига қатъий риоя қилинганда қорағатдан юқори ҳосил олиш мумкин.

Қорағат тупининг тагига экишдан олдин 3-4 килограмм тупроқдаги фосфор, калий ва нитратлар миқдорини ҳисоблаш ва ҳолатига қараб, тупроқдаги фосфор, калий ва нитратлар миқдорини белгилаш мумкин бўлади.

Қорағат тупининг тагига экишдан олдин 3-4 килограмм тупроқдаги фосфор, калий ва нитратлар миқдорини ҳисоблаш ва ҳолатига қараб, тупроқдаги фосфор, калий ва нитратлар миқдорини белгилаш мумкин бўлади.

Ҳужаликларда маҳаллий ўғитлар кўп бўлганда дастлабки икки йили улар мульча сифатида қўлланиб, бута атрофидаги ер устки қисмига 8-10 кг ўғитни 50-100 сантиметр кенгликда солинади, учинчи йилдан қаторлар орасига ҳар м² га 2-3 килограмм ҳисобидан берилади. Шағалли ерларга тез-тез суғориш таъсирида ювилиб кетишнинг олдини олиш мақсадида азотли ўғитлар уч-тўрт марта бўлиб-бўлиб солинади.

Ҳужаликларда маҳаллий ўғитлар кўп бўлганда дастлабки икки йили улар мульча сифатида қўлланиб, бута атрофидаги ер устки қисмига 8-10 кг ўғитни 50-100 сантиметр кенгликда солинади, учинчи йилдан қаторлар орасига ҳар м² га 2-3 килограмм ҳисобидан берилади. Шағалли ерларга тез-тез суғориш таъсирида ювилиб кетишнинг олдини олиш мақсадида азотли ўғитлар уч-тўрт марта бўлиб-бўлиб солинади.



Тупроқдаги фосфор, калий ва нитратлар миқдорини ҳисоблаш ва ҳолатига қараб, тупроқдаги фосфор, калий ва нитратлар миқдорини белгилаш мумкин бўлади.

I СУҒОРИШ

Тошкент вилояти шароитида экилган қорағатлар ернинг қатъийлиги ва механик составидан қатъи қазар 6 дан 12 мартгача суғорилади. Намлик сақлаш қобилияти яхши бўлган ерларда суғориш миқдори 500-800 м³ бўлиб, шағалли майдонларда тез-тез сув берилади, бунда сув сарфи 300-500 м³ ни ташкил қилади. Суғориш ариқлари 18-20 сантиметр чуқурликда олинади, дастлабки икки йил эгатчалар қаторнинг ҳар икки томонида 20-30 сантиметр масофада олинади. Учунчи йили қорағат бутага кучли ўсган бўлади, шунинг учун суғориш ариқларини бутанинг асосидан 50-60 сантиметр наридан олинади.

Биринчи суғориш гуллаш даврида мева тугиш бошида қорағатлар сув билан тўла намлангунча, қорағат илдизи жойлашган тупроқ қатлами 0-60 сантиметр намлангунча ўтказилади. Мева тугиш ва етилиши даврида (май, июнь) суғориш сони оширилади ва ҳар 10-15 кунда бир сув берилади. Иккинчи суғориш йиғиб-териш олинганидан сўнг (июль, август) келаси йил учун гулкуртаклари шаклланиш даври бошланади, бу даврада ерлар нам ва юмшоқ ҳолатда бўлиши керак.


Сентябрда қорағатни қишга тайёрлашдан олдин бир марта суғорилади, кейин суғориш ишлари тўхтатилади ва экилган ёш ўсимликлар учун, айниқса, муҳим ҳисобланган қишги суғориш бўлади, яъни қатор оралар кузги ёмғиргача намлигини йиқотмаслиги учун юмшатилади. Агарда тупроқ қурий юмшласа, ер ёрилади, илдизлар узилади, ўсимлик ўсишдан тўхтаб, барглари сарғаяди.

■ I ЎСИМЛИКНИ ПАРВАРИШЛАШ

Буталарни кесиш ва муайян шакл беришда қизил, қора ҳамда олтинсимон қорағат новдаларининг ҳосил бериши ва биологик аҳамиятини ҳисобга олиш зарур.

Кўчатларга уларни ўтказиш пайтида шакл берилганда: новдаларда уч-тўрттадан куртак қолдириб кесилганда, нимжон шохлар эса тупроқ юзаси билан тенг қилиб кесилган ташланади. Худди шундай қилинганда пастки куртакларда кучли новдалар ўсиб чиқади. Чуқур қовланиб ва қия қилинган ўтқазилган кўчат кенг қулоч ёзиб ўсади. Иккинчи йили 5-10 та янги новда пайдо бўлади, нимжонлари кесиб ташланади. Учинчи йили тупда 5-10 та икки ёшли ва 8-10 та бир ёшли кучли новдалар қолдирилади. Икки ёшли новдалар ҳосил беради, тўртинчи йилга келиб тупда 16-24 та мева қиладиغان икки-уч ёшли, 5-10 та бир ёшли новдалар ҳосил бўлади. Бундан ташқари пайтга келиб туп тўлиқ ҳосилга кирган бўлади.

Кесишга киришишдан аввал, кесиладиган новдаларнинг янгиси билан алмаштириш имконияти бор-йўқлигини мавжуд новдаларнинг ҳосил берадиганлари аниқланади. Жуда қалинлашиб кетган новдаларни сийраклаштириш қолганларининг ҳосилдорлигини ошириш омилидир. Асосан (скелет) новдалар бута атрофида тўғри ва эркин жойлаштириларилади. Қирқилган новдалар касаллик ва ҳашаротларнинг тарқатмаслиги учун дарҳол плантациядан олиб чиқилган ҳамда ёқиб юборилади. Бу ишлар кузда барглари туша бошлаганда, баҳорда эса куртак ёзмасдан аввал ўтказилади. Баҳорда совуқ урган шохлар кесиб ташланади.



8-расм. Қорағат тупларига шакл бериш

Буталарнинг мунтазам ҳосилдорлигини таъминлаш учун қизил қорағат тупларига ҳам худди қора қорағатдаги каби шакл берилганда ўстириш керак.

Қизил қорағат тупларига ҳам худди қора қорағатдаги каби шакл берилганда ўстириш керак. Қизил қорағат туплари кам янги новдалар беради, ени томондан чиққан биринчи, иккинчи, учинчи тартибдаги ўсимталардаги бақувват новдалари етти-саккиз йил давомида ҳосил беради. Ҳосил асосан бир, икки ва уч йиллик ёғочланган новдалардан олинади, шунингдек, бутанинг тупи қисмида ёки ерга яқин сояда турган новдаларда ҳам мавжуд мева қилиши мумкин.

Буталарни ёшартириш. Бир неча йил давомида қирқилмай ҳолиб кетган қари ва қуюқлашган буталар кам ва майда мева тўғади. Бундай буталарни ёшартириш керак, бунинг учун барча қари шохлар кесилиб, фақат бир ва икки йиллик бақувват новдалар қолдирилади. Ўз вақтида суғориш ва ерга ишлов бериш, гўнг ҳамда минерал ўғитлар солишнинг бутун ёл бўйи кўнгилдагидек ўтиши натижасида буталарда яна бир йиллик бақувват новдалар ҳосил бўлади.

Буталарни ёшартириш учун кузда бута атрофидаги тупроқ


яхшилаб чопиқ қилинади, илдизпояси атрофидаги бегон ўтлар териб олингач, минерал ёки маҳаллий ўғитлар солинади. Баҳорги юмшатиш ва суғоришдан сўнг мульчаланadi.

Мевалари териб олингач, ўриб олинган шохлар ёки юборилади, тупроққа яхшилаб ишлов берилади, маҳаллий ўғитлар ва минерал ўғитлар солинади. Кейинги йил қорағат яхши ўсади, навига қараб иккинчи ва учинчи йили бу плантациялар ҳосилга киради. Мазкур тадбир кейинги йили бошқа далада ўтказилади, натижада қорағат майдонлари йил сайи ёшартирилиб борилади.

■ I КўПАЙТИРИШ

Қорағатни бир йиллик ва яшил новдаларни қаламча қилиш, новдаларни пархиш қилиб ва тупларни бўлакларга бўлиб кўпайтириш мумкин.

Олтинсимон қорағат манзарали боғлар барпо қилиш ва янги навлар яратиш мақсадларида уруғидан кўпайтирилади. Бир йиллик новдасидан қаламча қилиб кўпайтириш кенг қўлланилмоқда.



9-расм. Қорағатнинг қаламчасидан кўпайтириш

Олтинсимон қорағат қаламчаси кузда тайёрлаб экилганда 87,9%, қишдагиси эса 78,0% тутиб кетади.

Қора қорағатнинг баҳорда экилган қаламчаларининг 76,4% фоизи тутати. Кузда тайёрлаб траншеяда сақланган қаламчалар яхши кўкаради - 79,9%, қишдагиси эса, бироз камроқ - 76,0%.

Қизил қорағатнинг илдиз отиши қора қорағат билан бир вақтда бошланади, аммо унинг бўйи анча тез ўсади ва баҳорги ўтқизишда ҳам қора қорағатга нисбатан 8-12% кўп ҳосил қосил қилади.



10-расм. Қизил қорағатнинг қаламчаларини жойлаштириш ва кўкариб чиққан кўчатлар

Соғлом стандарт қаламча олиш учун новдаларни қаламча қилиб ўтқозиш муддатларини ва усулларини яхши билиш лозим. Қишда тайёрланиб, траншеяда сақланмасдан экилган қаламчалар ҳам яхши тутиб кетади.

Кузда қирқилган қаламчалар (узунлиги 18-25 см, диаметри 0,6 см дан кам бўлмаслиги керак) 70-90 см чуқурликда қовланиб, устига похол ёпилган траншеяларда сақланади.

Қаламчалар 100-200 донадан боғланади, сўнг унга этикетка ёпиштирилади ва навига қараб ариқчанинг тагига жойлаштирилади, шундан кейин қум сепилади ва 40-60 см қатлам қилиб сомон солинади.

Экишдан олдин қаламча ўтқазиладиган майдон яхши тайёрлаб қўйилади: фосфорли ўғити солиниб, ер чопиб чиқилади ва текисланади. Майдон 70 сантиметрли кенликда ариқ олинади бунда қатор ораларига ишлов бериш анча қулай бўлади. Томорқа участкасида эгатлар 60 сантиметрдан олинади. Қатордаги қаламчалар оралиғи 10-15 сантиметр бўлиши керак. Шунда 1 м² жойга 11-17 та қаламча ўтқазилади. Қаламчалар яхши юмшатирилган ва маркировка қилинган ерга 18-20 сантиметр чуқурликка экилади ёки ёғоч қозықчаларда чуқурча қазилиб, қаламча ўша ерга юқорида битта куртак қолдириб ўтқазилади. Қаламча остидаги тупроқ оёк билан зичланади, чунки илдиз орасида бўшлиқ қолмаслиги керак. Сўнг 20 см чуқурликда ариқча тортилади ва қаламчалар суғорилади. Суғориш тугагандан сўнг тупроқ юмшатилади, қаламчалар устига гўнг, қум солинади ва полиэтилен плёнка ёпиб сояланади.

■ I ҚОРА ҚОРАҒАТ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Лия плодородная. Қора қорағатнинг бу нави Англияда яратилган, ярим ёйиқ, кучли ўсади. Бир йиллик ёғочланган новдалари жигарранг тусда. Тук қопланган, ўртасидаги томирчалари бўйлаб эгилган барглари ўртача катталиқда. Барглари кўкимтир-ҳаворанг тусли яшил рангда бўлиб, беш бўлаккли, ўртача буришган, бўлакчалар учи қиррали, гуллари қизғиш рангда. Гултожилари ўртача узунликда. Меваси ўрта

ча, майда (огирлиги 0,6 грамм), қора, думалоқ, пўсти қалин, кўкимтир, қуруқ, хушбўй хидли. Бу нав кечпишар бўлиб, меваси июннинг ўрталарида етила бошлайди. Бошқа навлар билан бирга экилганда ва асалари ёрдамида чангланганда мева тугиши кўпаяди. Лия плодородная - қора қорағатнинг Тошкент вилояти шароитида ҳар йили мўл-кўл ҳосил берадиган нав ҳисобланади.

Экилгандан кейин иккинчи йили ҳосилга киради, ҳар бир тугдан кўпи билан 1,9 килограмм ҳосил беради. Иссиққа чидамли бу навнинг барглари иссиқ шамолдан кам зарарланади. Бу нав қаламчадан ва пархиш қилиб кўпайтирилади. Қаламчаларни куз фаслида тайёрлаб экилгани маъқул.

Бу намгарчилик етарли бўлган ва тоғли ҳудудларга экиш учун тавсия қилинади.

Восточная (№ 23-3). Бутаси кучли ўсади, новдаси кўкимтир рангда. Барглари йирик, уч-беш бўлакчали, тўқ-яшил рангда. Меваси қора, юмалоқ, мева шингилида 12-28 та меваси бўлади. Шингил бандининг узунлиги 6,0 сантиметргача. Дастлабки мевалари 2,0 граммгача, ўртачаси 0,8-1,2 грамм. Гул ёнлигининг қуриган қолдиқлари трубчатка шаклда тўпланган, майда, мевасининг эти хира-яшил, нозик, серсув. Пўсти ҳам юмқ. Мева шингиллари алоҳида-алоҳида, баъзан бир ердан икки ёки учтадан жойлашган.

Мевасининг таъми яхши, десерт мазали, сершира, жуда хушбўя.

100 грамм мевасининг таркибида 6,66-10,03% қанд моддаси, 1,83-3,06%, кислоталар, 1,0% пектин, қуруқ моддаси 18,12%, 144,7-300 мг% С витамини мавжуд. Меваси кўпроқ хўл-пигача истеъмол қилинади, шунингдек, ундан мураббо, жем, шарбат ва компотлар тайёрланади.

Таъм сифати юқори, ҳосилдор ва иссиққа бардошли бўлганлиги учун бу нав Ўрта Осиё республикаларида синонга тавсия этилади.

Қора қорағатнинг яхши таъмли эрта пишар навларидан Геркулес, Чёрный Аист каби янги навлар танлаб олинган экишга тавсия этилади.

Слава Туркестана. Тупи ўрта бўйли, кучли шохлаб ўсади. Кўкимтир новдалари эгилган, ўртача йўғонликда. Барглари сарғишроқ унча катта эмас. Барг юзаси туксиз, иккала томондан ҳам безча ўсимликларнинг шира чиқарадиган хужайралари билан қопланган. Бу пенсильван қорағат навидан келиб чиққанини кўрсатади.

Мева соладиган шингили кўпгулли, узунлиги 10 сантиметргача, эгилган, 15 тадан 27 тагача гули бўлади. Гуллари оч сариқ, кўнғироқсимон. Меваси ўртача катталиқда, думалоқ-овал шаклда, тўқ қизил, аммо етилганда қора рангда бўлади. Пўсти юпқа, мева банди яшил, уруғлари майда. Меваси нордон-ширин, пишиб кетганда таъми тахирроқ бўлади, мазаси ўртача ўзига хос ҳидли. Мевасининг максимал оғирлиги 2 грамм, ўртачаси 0,6 грамм. Таркибида 80,18% сув, 7,5% қанд моддаси, 2,0% кислота, 113,56 мг% С витамини бор. Кузда барглари чиройли тилларанг тусга кириб, ажойиб манзара касб этади. Нав ўртача чангланади, ҳашаротлар кўп келса, ҳосилдорлиги ортади.

Меваси кечпишар, июннинг охири июлнинг бошларида етилади. Ҳар бир тупдан 3,5 килограммгача ҳосил олинади. Иссиққа бардошли нав, аммо ўргимчакканадан ва стекляницадан зарарланади.

Узбекистанская крупноплодная. Ўрта бўйли, тупи кенг шохлаб ўсади. Бир йиллик новдалари оч-жигарранг, тилларанг, туксиз, кўп йиллик новдалари кулранг. Барглари

барг, уч ёки беш бўлакчали, оч яшил, ялтироқ. Барг асоси тўғри ёки деярли тўғри. Барг пластинкалари тишчала-ри (қиррачалари) йирик, ўртача ўткир қиррали, банди оч яшил, кузда эса қизғиш тусга киради. Куртаклари ўртача унча унчалашган, юқори томон кенгайиб боради, қизғиш тўқ билан қопланган. Мева куртаклари бир йиллик ёки ўт-тан йилги новдасида шаклланади. Гуллари йирик, сариқ лимон рангда.

Мева июннинг биринчи ўн кунлигида пиша бошлайди. Унар тўкилиб кетмасдан августнинг охиригача тупида тур-иши мумкин. Мевасининг таъми ширин-нордон, ҳосилдор-лиги юқори ҳар бир бутадан 2,5 дан 9,0 килограммгача ҳосил-лиги бўлиши мумкин. Йўл бўйлари ва суғориш тармоқларида, экинчи майдонларда яхши ўсиб ҳосил беради. Қурғоқчиликка тоқимли.

Эт шохлар ҳосил қилиш мақсадида май ойида шохларнинг охиригача чеканка қилиш тавсия қилинади. Мевасининг таркибида қанд 8,16%, кислоталар 1,42-1,9%, сув 79,76-82,76%, витамин С 0,677%, пектин 1,705%, С витамини 77,70 мг%, А витамини 2,29 мг% ни ташкил этади.

Плотномьяся. Тупи кучли ўсадиган бутанинг шохлари унчалик тарвақайлаб кет-майди. Бир йиллик новда-лари жигарранг, Узбекистан-ская крупноплодная навидан кўра сал тўқроқ, кўп йиллик новдалари эса кулранг, эгил-

ган. Ўртача катталиқдаги барглари уч ёки беш бўлакчи бўлиб, тўқ яшил, ялтироқ, чети ўткир, қиррали-тишли. Банди қизғиш, эгилган. Куртаклари ўртача катталиқда, ингичка



учлари ўткир. Гуллари лимон-сарик рангда. Гуллаш пайтида гулпояси қизил рангга киради. Меваси юмалоқ шаклда бўлиб, тўқ бинафша рангли. Мева шингили ғуж-ғуж бўлиб, ҳар бир бошда етти-саккизтагача мева бўлади, банди қаттиқ. Дастлабки мевалари йирик (4 граммгача), ўртача оғирлиги 1,7 граммни ташкил қилади.

Плотномьяся ўртапишар навлар гуруҳига мансуб. Ўз-ўзидан ўртача чангланади, гулининг 20 фоизи мева туккандан анча юқори ҳосилдорликни таъминлайди, яъни ҳар тупдан 4 кг дан 10 килограммгача мева териб олса бўлади.

Меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пиша бошлайди, августгача тўкилмасдан туриши мумкин. Ҳосилни тери олиш 25-30 кун давом этади. Туп бир жойда 10-15 йилгача ўсиб ҳосил бериши мумкин. Экилгандан сўнг иккинчи йил ҳосилга киради. Тўртинчи йилга келиб ҳар бир тупдан анча юқори (19,25 кг) ҳосил олинади.

Янги узилган меваларининг таъм сифати, мураббиси ва шарбати яхши бўлади. Мевасининг таркибида 9,05% қанд, 1,42% кислоталар, 79,76% сув, 0,735% қул, 1,705% пектин, 60,61-124,8 мг% С витамини, 0,73 мг% А провитамини мавжуд.

Мазкур нав Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қозғистоннинг жанубий вилоятларида ҳудудлаштирилган. Ўрта Осиёнинг барча республикаларида синаб кўрилмоқда ва кўпайтирилмоқда. Сув билан камроқ таъминланган тупманлар ва шаҳар чети ҳудудлари учун истиқболли навдир.

Узбекская сладкая. Барглари йирик уч ёки беш бўлақчадан иборат, тўқ яшил, ялтироқ. Гуллари ўртача катталиқда, гулбаранглари оч сарғиш, меваси думалоқ шаклда, тўқ қизил тўқилишиб етилганда қора, майда бўлади. Шингилда 7-14 донигача меваси бўлади. Дастлабки мевалари йирик (2 граммгача) мевасининг ўртача оғирлиги 0,8 грамм. Мевасининг э...

кўкимтир яшил бўлиб, сарғиш тилмирчалари бор. Барглари кузда желиб очик қирмизи тусга киради.

Маъкур нав эртапишар навар группасига мансуб. Қийғос суқсайди. Бу нав қисман ўз-ўзи-дан навланади. Аммо асаларилар ёрдамида мева тугиши ортади. Экилганидан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.

Узбекская сладкая нави жой танламайдиган (беор) экин. Сова ва очик майдонларда, йўл ёқаларида ҳамда суғориш шароитлари яқинида ўсади ва яхши ҳосил беради. Қурғоқ-йилликка чидамли, ҳашарот ва касалликларга қарши иммунитети кучли, қаламча қилиб кўпайтирилади.

Меваси ширин, десерт. Таркибида 11,91% қанд, 0,6-0,8% кислота, 18,53% сув, 0,37% кул, 2,84% пектин, 74,30 мг% С витамини, 6,94 мг % А витамини мавжуд.

Навнинг дегустация баҳоси 4,5 балл. Мевасидан шарбат, мураббо, жем тайёрланади. Бу навни мактаб ва томорқа майдонларида етиштириш мақсадга мувофиқ.

Саноми - Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ватилган. Мўаллифлар С.И. Ягудина ва Р.М. Абдуллаев. Давлат мева синовига қабул қилинган. Тупи ўртача ўсади, ихчам. Бир шохлик новдалари жигарранг, олтиндек сап-сарик, туксиз, кўп шохлиқ шохлари эса кўкимтир. Барглари ўртача, яшил, ялтиқ, барг пластинкаларининг тишчалари катта-катта, унча ўткир қиррали эмас. Банди оч яшил, кузда қизил тусда бўлади.

Гуллари йирик, лимон-сарик рангда. Меваси юмалоқ-чўйроқ, қора рангда. Шингилида тўрт-олтита мева бўлади. Ўзлабки мевалари жуда катта (5 граммгача), мевасининг



ўртача оғирлиги 1,6 грамм. Куриган гулкосаси найчасимон пояда жойлашган, майда, мева пишиш охирида тўкила бошлайди. Мевасининг эти сарик, серсув, пўсти юққа.

Мевасининг таркибида: қанд 12,29%, кислоталар 1,5% сув 80,07%, пектин 2,73%, С витамини 102,12 мг %, А витамини 0,77 мг% ни ташкил қилади. Мевасидан яхши мураббо ва шарбат тайёрланади. Иссиққа чидамли, серҳосил ва меваси йирик бўлгани учун ҳам Ўрта Осиё чўл туманларида истиқболли ҳисобланади.

Дўстлик. Кучли ўсади, ихчам тупли. Бир йиллик новдалари оч-жигарранг, тилларанг, туксиз. Кўп йиллик шохлари кўкимтир. Барглари йирик, яшил, ялтироқ, чўзинчоқ, банди оч яшил. Ҳосил куртаклари бир йиллик ва ўтган йилги шохларида шаклланади.



Гуллари йирик, оч сарғиш. Мевалари юмалоқ, қора, четлари бироз ясси. Шингилида тўрт-олтита меваси бўлади. Дастлабки мевалари жуда йирик (6 граммгача), мевасининг ўртача оғирлиги 1,8 грамм.

Мевалар июннинг бошларида пишади. Улар тўкилмайди, узоқ вақтгача тупида туриши мумкин. Ҳосили транспортда ташишга ярайди. Таъми нордон-ширин, ёқимли, десерт. Экилгандан сўнг иккинчи йилидан ҳосилга киради. Нави қаламча қилиб кўпайтирилади. Касалликлар ва ҳашаротларга чидамли.

Рухшона - Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Муаллифлар Р.М. Абдуллаев ва С.И. Ягудина

Тупи кучли, ярим ёйиқ бўлиб ўсади. Бир йиллик новдалари тўқ жигарранг. Кўп йиллик шохлари на кулранг. Барглари йирик, учски беш бўлакли, яшил, ялтироқ, буришиб қолмайди. Банди ўртача узунликда, яшил.



Рухшона эртапишар навлар гуруҳига мансуб. Тупи ўз қилича кам чангланади. Асаларилар ёрдамида ва ёнига бошқа навлар экилганида мева тугиши кўпаяди. Тупларнинг юқори ҳосилдорлиги эркин ҳолда 15-20% чангланганда таъминланади. Меваси июннинг бошларида пишиб етилади. Улар августгача тўкилмасдан туради. Таъми ширин. Экилгандан сўнг иккинчи йилидан ҳосилга киради. Ҳар бир тупдан олинган ҳосилдорлик 5-6 килограммни ташкил этади.

Суғориш тармоқлари ва йўл ёқаларида, очиқ майдонларда, ёш боғларнинг қатор ораларида яхши ўсади ва ҳосил беради. Қаламча қилиб кўпайтирилади. Гуллари жуда кам барарланади. Ҳашаротларга ва касалликларга чидамлилиги юқори.

Мевасининг таркибида: қанд 10,8%, кислоталар 1,6%, сув 81,39%, пектин 2,167%, С витамини 80,22 мг% ни ташкил этади. Мевасидан сифатли мураббо ва шарбат тайёрланади.

Рухшона иссиқ ва совуққа бардошли, серҳосил ва меваси йирик бўлганлиги сабабли Ўрта Осиё республикаларининг чўл зоналарида, жанубий Қозоғистоннинг суғориладиган ҳудудлари учун истиқболли нав ҳисобланади.

Ирода - Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Муаллифлар С.И. Ягудина ва Р.М. Абдуллаев.

Тупи ўртача ихчам. Меваси думалоқ қора. Мазаси нордон – ширин. Мева бандида 4-7 та мева бўлади. Мевасининг ўртача массаси – 2,1 г йириги – 6 г гача. Июнь ойининг бошида пиша бошлайди. Ҳосилдорлиги 120-150 ц/га.



Олтиной – нав Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Муаллифлар Р.М. Абдуллаев, Ҳ.Р. Абдуллаева ва С.И. Ягудина. Тупи ўртача кучли, компактли тўғри ўсади. Гуллари ўртача лимонсимон сариқ рангда. Мева банди қисқа бўлиб бир бандда 6-10 тагача мева бўлади. Мевасининг ўртача оғирлиги 0,6 г, энг йириги 2 г. Нав ўзини ўзи чанглайди. Меваси эртаги бўлиб май ойининг учинчи ўзгунлигидан пиша бошлайди. Мева пишиш даври 16-20 кун. Меваси бир марта териб олинади. Меваси ширин-лимонхидли. Таркибида қанд моддаси 12% гача, кислота 0,6%, витамин “С” 65-80 мг% гача ҳамда каротин моддаси (провитамин А) 5 % гача бор. Навнинг дегустация баҳоси 4,8 балл. Мевасидан шарбат, мураббо, жем тайёрланади. Ҳосилдорлиги 100-120 ц/га. нав иссиққа, совуққа чидамли, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмайди. Нав республика вилоятларида экиш учун ҳудудлаштирилган.



■ I ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАР

Ҳосилдорликни ошириш ҳамда юқори сифатли мева олиш учун навларни танлаш ва юксак агротехникани қўлдан келтиришдан ташқари, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича ўз вақтида тадбирлар ўтказиш муҳим катта аҳамиятга эга.

Қора ва қизил қорағат касалликларидан септориоз кенг тарқалган, зараркунандалардан шиша капалак (стеклянница) ҳамда куртак канасидан кўпроқ зарар кўради. Олтинсимон қорағат навлари, гарчи улардан айримлари вертициллез сўлиш касаллигига чалинса ҳам ва бунинг оқибатида мева берувчи новдалари, туплари нобуд бўлса-да, умуман, бундай касаллик ва зараркунандаларга анча чидамли.

Ўргимчаккана. Қора ва қизил қорағат баргларидадан мужайра шарбатини сўриб зарарлайди. Баргининг орқа қисмида унга енгилгина тўр қоплаб, айниқса томирлари иқинида яшайди. Зарарланган баргларида оч-яшил, сариқ ёки қизил доғлар ҳосил бўлади. Қишни кана туп ўзагига қишқин жойда, тушган баргларида остида ўтказилади.

Кураш чоралари: Эгатлардаги ҳамда қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқ қилиб ташлаш керак. Коллоидли олтингугуртнинг 1% ли эритмасида (10 л сувга 100 г) икки марта: гунча туга бошлаганда ва ҳосил териб бўлингандан сўнг пуркаш керак. Қорағатни тиовид (0,4%) билан гуллаш олтидидан ва охирида пуркаш лозим.

Қорағат шиша капалаги. Қора, қизил ва оқ қорағатга зарар етказилади. Олтинсимон қорағат бу зараркунандадан холи. Шиша капалак балоғатга етган қурт тарзида пояларнинг ичида

қишлайди. Баҳорда куртлар ғумбаклайди, ундан капалак ҳосил бўлади ва куртаклар атрофига тухум қўяди. Тухумлардан чиққан куртлар шохчаларни кемириб, ўтган жойида из қолдиради. Куртлар ёғоч ва ўсимлик ўзаги билан озиқланади. Оқибатда зарарлаган шохлар сўлийди, сўнг эса бутунлай нобуд бўлади.

Кураш чоралари: Зарарланган шохчаларнинг зарарланган қисмини кесиб ташлаб, ёқиб юбориш керак.

Қорағат куртак канаси. Қора ва қизил қорағат куртакларига зарар етказилади. Олтинсимон қорағат бу зараркунандадан ҳозирча ҳоли. Балоғатга етган каналар новданинг ичида жуда катта миқдорда тўпланиб олиб қишлайди.

Каналар куртакнинг ичида барг куртакларининг шираси билан озиқланади. Камдан-кам ҳоллардагина зарарланган новдалар ўсади, ўсган тақдирда ҳам шохчалари нимжон бўлади. Бундан ташқари, каналар пахмоқлик деган вирусли касалликни юқтиради. Одатда, зарарланган новдаларнинг ўртаси шишиб чиқиб, карамнинг боши шаклида думалоғ кўринишга эга бўлади. Ўзбекистонда капалаклар юқтирадиган новдалар шиши ва гулларининг пахмоқланиши касаллиги учрамайди, каналари ҳам яккам-дуккам учрайди. Куртак канаси Европада кенг тарқалган, у кўчат орқали ўтади.

Кураш чоралари: Плантацияларга фақат соғлом кўчатларни ўтқозиш, тупларга гуллаш олдидан ва сўнггида тиовиднинг 0,4% ли эритмаси (10 л сувга 60–80 г ҳисобидан) пуркалади.

Кичикроқ майдонларда учраса, кана билан зарарланган шохлар кесиб ташланиб, ёқиб юборилади. Экиш олдидан қаламчаларни иссиқ сувда 15 минут тутиб, сўнг 10 минут совуқ сувга солиб қўйиш керак, шунда куртаклардаги каналар ҳалок бўлади.

Қалқонли бит (Шитовки). Танасини қалқон қоплаган хашаротлар қорағат шохларига зарар етказади. Бит ўсимликларнинг шарбатини сўриб олиб, ўсишини секинлаштириб меваларини майиб қилади, ўсимликни қисиб қўяди. Қалқонли бит новдаларда, баъзан эса меваларда ҳам йирик бўртиб чиққан, чўзинчоқ бўртма шаклида, жигарранг тусда кўзга яхши ташланади.

Қураш чоралари: Қорағат тупи куртак ёзгунча бордо суюқлигининг 3 фоизли (10 л сувга 300г мис купоросига 300 г оҳак сўндирилмаган кўшиб) эритмаси ёки № 30 препаратининг 3 % ли эритмаси билан 1 м² га 1,5-2 г (препаратни сарфлаш нормаси 1 м² га 4,5-6,0 г) ҳисобидан пуркаш ёки тиғизлашган тупларни доимий суратда сийраклаштириб бориш, зараркунанда катта зиён етказган шохларни кесиб ташлаб йўқотиш, янги соғлом кўчатлар ўтқазиш керак.

Вертициллез сўлиш. Бу замбуруғ касаллиги бўлиб, олтинсимон қорағатга зарар етказади. Касалликнинг илк белгилари май ойида бир-икки ёшли новдаларда кўринади. Барглари сарғаяди, сўлийди. Шохчаларда айрим некротик доғлар пайдо бўлади, булар тарқала бориб, бутун баргни қоплайди, қорағат тупининг бир қисми ёки бутунлай ҳаммаси қуриб қолади.

Ёзда новдаларнинг жуда тез ҳалок бўлиши кузатилади. Икки-уч кун ичида барча барглар ва новдалар нобуд бўлади, ҳосилнинг бир қисми бой берилади. Замбуруғ тупроқдаги ўсимлик қолдиқларида ҳамда зарарланган новдаларда қишлайди.

Қураш чоралари: Қуриб қолган новдалар кесилади, нобуд бўлган тупларни илдизи ва ер ости шохлари билан сугуриб олиб ташланади, ерга тушган барглар ёқиб юборилади. Ўтқазишга мўлжалланган кўчатларни соғлом туплардан тайёрланади.

Оқ доғланиш ёки септориоз. Бу ҳам замбуруғ касаллиги, қора қорағатга зарар етказди. Баҳорда барг устида ҳалқа симон ёки бурчакли жигарранг, сўнг эса қора нуқтали оқарган доғ ҳосил бўлади. Кучли зарарланганда доғлар қўшилиб кетади, барглар қуриб қолиб тушиб кетади. Мўл ёғингарчилик ҳамда кўп суғориш касалликнинг ривожланишига қулай шароит яратади, замбуруғ ерга тушган барглarda қишлайди.

Кураш чоралари: кузда туп атрофидаги тупроқ ағдарилади, тушган барглари йиғиб, ёқиб юборилади.

Вегетация даврида, барг ёзганидан бошлаб қорағатга уч марта 1% ли бордо суюқлиги (10 л сувга 100 г мис купоросига 100 г сўндирилмаган оҳак қўшиб) пуркалади.

■ | МЕВАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

Резавор мевалар инсон озиқ-овқат рациониди аҳамияти катта, лекин уларни янгилиги ҳолида узоқ сақлаб бўлмайди, шунинг учун унинг истеъмол муддати қисқа. Улардан шарбат (сок) олиб ёки қуришиб, консерва қилиб фойдаланиш орқали муддатини узайтириши мумкин. Қоидасига риоя қилган ҳолда тайёрланган консерва ҳамда шарбатларда ҳўллигида мавжуд фойдали хусусиятлари яхши сақланган бўлиб, жуда тўйимли озиқ ҳисобланади. Уларда витаминлар, қанд моддаси, кислоталар, минерал тузлар, дубил моддалар, бўёқ, пектин моддалари, эфир мойи ва бошқалар мавжуд.

Кўпгина резавор меваларнинг шарбати шифобахш ҳамда парҳезбop озиқ бўлиб, фитонцид хусусиятга эга, улар ёрдамида касаллик қўзғатувчи микроблар фаолиятини тўхтатиш, баъзи касалликларнинг олдини олиш ва ҳатто даволаш мумкин.

Қайта ишланган маҳсулот сифати хомашёнинг қандайлигига боғлиқ. Резавор меваларни тўла пишиб етилганда териб олиш керак, акс ҳолда пишмаган мевалар шарбатида қанд моддаси, кислоталар, витаминлар кам миқдорда бўлади. Пишиб ўтиб кетган резавордан оз шарбат чиқади. Резавор мевалар таркибидаги витаминлар ва қанд моддаси тўлақонли бўлиши учун мева териб олингач, кўпи билан бир-икки соат ичида қайта ишлаш керак ёки териб олинган меваларни саралаб, ювмасдан салқин ертўла ёки совутгичхонада (1-3° ҳароратда) сақлаш лозим. Меваларни жуда эҳтиётлаб териш керак. Ер тути ҳамда малинани банди билан узиш зарур, чунки мева этининг шикастланган жойидан шарбати оқиб чиқиб, у ерда микроорганизмларнинг ривожланиши учун шароит яратилади.

Териб олинган мевалар саралангач, ювилиб сават ёки галвирга солинади, бунда мевалар сувда 1-2 минут қолдирилади. Ер тутини сувли челакка 2-3 килограммини солиб, қўл билан аста чайиб олинади. Бунда қум ва тупроқ (лой) челак тубига кўчиб, мевалар сув юзасига қалқиб чиқади, улар қўл билан олиниб, човлида сузилади. Ювилган ер тути ва малина косачабаргидан тозаланади, қорағат, крижовник ва бошқа резавор меваларнинг банди олиб ташланади.

Қорағат ва крижовник таркибида кислоталар жуда кўп бўлиб, ичимлиги нордон бўлиб қолади. Кислоталиликни камайтириш мақсадида қорағат ва крижовник шарбатига олма, гилос ёки бошқа кислотаси камроқ меваларнинг шарбати аралаштириб тайёрланади. Баъзан истеъмол қилиш олдидан сув ёки шакар қўшилади.

Шарбатни узоқ вақт сақлаш учун микроорганизмларни бутунлай ўлдириш ёки уларнинг ривожланишига йўл қўймаслик керак. Резавор мевалар шарбати нордон бўлиб,

унда ачитқи ва пўпанак пайдо бўлиши мумкин. Шу билан бирга инсон учун зиёни бўлган бактериялар нордон шарбатларда ривожланмайди. Уй шароитида шарбатнинг бузилиб қолмаслиги учун уни қиздириш, пастеризациялаш ва қайнатиб қўйиш йўли билан тайёрланади. Ҳамма шарбатларни ҳам идишда қайнатиб қўйиш мумкин, бунда сирланган идишда 95° гача қиздирилган шарбатни қайнаган сувда буғлаб қиздирилган шиша баллон, бутилка ва банкаларга тўлдириб, устидан қайноқ сувга ботириб олинган лакланган жез қопқоқлар билан маҳкам беркитилади. Сўнгра банкаларни тўнкариб қўйиб, устига иссиқ мато ташлаб қўйилади, бунда ўзидан чиққан иссиққа стерилланади. Пастеризациялашда ҳар қандай шиша идишга консервациялаш мумкин.

Консервалашда майда идишда 85° гача қиздирилган шарбат стерилланган идишга қўйилади. Бунда банка тўлатилмайди, қопқоғига 1,5 см, бутилкаларда эса 2 см бўш жой қолдирилади. Шарбат тўлдирилган идишлар қайнатиб олинган пробка (тиқин) ёки қопқоқлар билан беркитилади, суви 50° гача қиздирилган кастрюлкага бирор нарса тушаб, устига банкалар қўйилади. Кастрюлкадаги сув банкалардаги шарбат билан баравар бўлиши керак, ҳарорат 85 °С гача ушланади. Ярим литрли банка ва бутилкалар 15 минут, бир литрлилари 20 минут, уч литрлиги 30 минут давомида пастеризация қилинади.

Пастеризация тугагач, шарбат қўйилган банкалар сувдан олиниб, қопқоғи маҳкам ёпилади, банка тўнкариб қўйилади, бутилкалар (ёнбошлатиб) ётқизилган ҳолда совугунча сақланади. Бутилкалар совугач, пробкаси мумлаб ёки парафинлаб қўйилади.

Қора қорағат шарбати. Қора қорағат мевасидан олинган шарбат С витамини манбаидир, унда Р витамини кўп. Қора

қорағат калий, фосфор тузлари, темирга бой. Таркибидаги қанд моддаси 7-8%, кислоталар 3% гача боради.

Қора қорағат шарбати қора рангда, хушбўй, нордон маъли бўлади. Истеъмол қилишдан аввал унга таъбга қараб 40% ли шакар сиропи қўшилади. Шарбат тайёрлаш учун қора қорағатнинг тоғда етиштирилган барча турлари ярайди.

Сараланган, ювилган мевалар сирли кастрюлкада ёғоч толкушка билан эзилади ёки гўшт майдалагичдан ўтказилади. Бир килограмм пўстлоқли массага 300 грамм ҳисобида 80° иситилган сув қўшилиб, 60° гача иситилади ва шундай ҳароратда қопқоғи ёпилган ҳолда ярим соат қопқоғи ёпиқ ҳолда ушланади. Сўнгра иссиқ пўстлоқли массадан шарбати сиқиб олинади ва иссиқда қайта ишлов берилади. Қора қорағатдан яхшиси, этли табиий шарбат тайёрлаган маъкул. Бунинг учун мевалар ювилиб иситилган сувга солинади (600 г сувга 1 кг мева) ва аралаштириб 65° гача иситилади, сўнгра элакдан ўтказилади. Тайёр бўлган этли қуюқ шарбатга 40% ли шакар сиропи қўйилади, сўнгра қайнатиб консервацияланади. Қора қорағатнинг шарбати С витаминига бой бўлиб, авитаминозга чалинган беморларга фойдалидир.

Рангли қорағат шарбати. Рангли қорағатдан олинган шарбат алоҳида таъм ва ҳидга эга эмас. Таъмини ва ҳидини яхшилаш учун уни малина, қора қорағат ёки олма шарбатларидан бири билан аралаштирилиб, шакар қўшилади. Агар бошқа шарбат бўлмаса, рангли қорағатнинг ўзидан табиий ҳолда шарбат тайёрланиб, истеъмол қилиш олдидан таъбга кўра 20 фоизли шакар сиропи қўшилади.

Рангли қорағатнинг мевалари жуда нозик, уни яхшиси гериб олингач бир-икки кун давомида қайта ишлаш керак, мевалар ювилиб, қуритилади, бузилганлари қўшилмайди, банди олиб ташланади, акс ҳолда улар ёқимсиз

кўкат мазасини беради, сўнгра мевалари толкушка билан эзилади, бунда пресс, шарбат сиққич, гўшт майдалагичдан фойдаланса ҳам бўлади. Олинган шарбатга иссиқда қайта ишлов берилади. Шарбат қайнатгич ёрдамида стерилланган шарбат тайёрлаш мумкин.

Қора қорағат мураббоси. Мевалар банди, гул қолдиғидан тозаланиб, пўстини юмшатиш мақсадида қайнаб турган сувга солиб олинади. Сўнгра қайноқ сиропга солинади. Сироп тайёрлаш учун 1 кг мевага 1,5-2 кг шакар ва 1-1,5 стакан сув кетади. Аввал кучли оловда, сўнгра оловни пасайтириб, мураббо тайёр бўлгунча қайнатилади, пишиб ўтиб кетишга йўл қўйилмайди. Ҳаддан зиёд пишиб кетган мураббо бемаза бўлиб, мевалари қотиб қолади.

Повидло. Мевалар тозаланиб, сараланиб, сирли кастрюлкага ёки мис тоғорага солиниб, тагига олмаслиги учун озгина сув қўшилади, тўла юмшагунча қайнатилади, ёғоч қошиқ билан аралаштириб турилади.

Мевалар пишгач, элакдан ўтказилади. Элакдан ўтказилган масса дастлабки миқдорининг 1/3-1/4 қисми қолгунча қуюлтирилади. Қуюқ массага шакар (10 кг массага 4-5 кг шакар) қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва тайёр бўлгунча қайнатилади. Пишгач қуюқлиги аниқланади: бир қошиқ повидлони тарелкага солиб, қошиқ билан бўлинади, агар унинг изи бир оз вақтдан кейин йўқолса, павидло тайёр бўлган ҳисобланади. Сўнгра повидлони иссиқлигича қиздирилган идишга қуйилиб, қопқоғи зичлаб беркитилади ва сақлаш учун салқин жойга қўйилади.

Қорағат туршаги. Қорағат печка ёки духовкада сийрак қилиб ёйилган ҳолда уй шароитида қуритилади. Қуритилган қорағатдан кисель, компот, турли пишириқлар пишириш учун фойдаланилади.

Қирғичдан ўтказилган шакарли қорағат. Ювиб, тозаланган қорағат тоза сочиққа сийрак қилиб ёйилган ҳолда соя ерда қуритилади. Тезроқ қуритиш учун вентилятор қўйиш мумкин. Қуриган мевалар тоза идишга жойланиб, ёғоч дастак билан эзилади ёки гўшт майдалагичдан ўтказилади, сўнгра шакар аралаштирилади (1 кг мевага 2 кг шакар). Агар мева ширин (олтинсимон қорағат навидан) бўлса, 1 кг мевага 1,5 кг шакар кифоя қилади. Қирғичдан ўтказилган шакарли қорағат то шакари эригунча ёғоч қошиқ билан аралаштирилади. Тайёр бўлган масса яхшилаб ювилган банкаларга солиниб, пергамент қоғоз билан беркитилади, оғзи каноп билан боғланади ёки қопқоқ билан маҳкам беркитилади ҳамда қоронғи ва салқин, қуруқ ерда сақланади. Иссиқ иқлимли шароитларда яхши сақланиши учун пастеризация қилинади.

Ер тути, чаканда ва бошқа резавор меваларни ҳам ана шундай усулда тайёрлаш мумкин.

Қизил қорағат мураббоси. Қизил қорағатдан қора қорағатга нисбатан унча хушбўй бўлмаган, аммо чиройли рангли мураббо чиқади, мевалари бандидан эҳтиётлик билан ажратиб олинади, совуқ сувда ювилиб, суви сирқитиб олинади. Мевани мураббо пишириладиган тоғорага солиниб, устига ўртача куюкликдаги қайноқ сироп қуйилиб, бир неча соат совутиб қўйилади ва қайнатишга киришилади. Паст оловда шакарни эритиб бўлгач, олов кучайтирилади, қайнаб чиққач ўртача оловда 3-5 дақиқа пиширилади.

Сўнгра тоғора оловдан олинади ва айлана ҳаракат бўйича кўпиги олинади, кейин яна оловга қўйиб, чиққан кўпиги олинади, бу жараён кўпиги тугагунча бир неча марта такрорланади. Масса қайнаб чиққандан бошлаб 30-35 дақиқа давомида пиширилади, бунда кўпикни олиш учун кетган

вақт ҳисобга кирмайди. Тагига олмаслиги (қуймаслиги) учун қовлаб турилади.

Бир кг мевага 1,5-2 кг шакар солинади.

Оддий қора қорағат. Мевалар бандидан тозаланиб, пишмаган, шикастланганлари териб ташланади. Сараланган мевалар совуқ сувда ювилиб, қайноқ сувга 2-3 дақиқа солиб қўйилади, сўнг совутилади. Суви тўкиб ташланиб, мевалари қуритиб олинади. Шундан кейин тоза банкаларга жойланиб, устидан қайнаган сув ёки бир қайнаб чиққач сироп (1 л сувга 250-350 г шакар) қўйилади ва устига қопқоқ қўйиб стерилланади: ярим литрли банкалар 8-10 дақиқа, бир литрлиги 10-15 дақиқа қайнатилиб, сўнгра дарҳол маҳкам қилиб беркитиб қўйилади.

Табиий ҳолдаги қора қорағатдан компот, соус ва жемлар тайёрлаш мумкин.

Қора қорағат жеми. Мевалари сараланади, ювилади ва сўнгра қайнаб турган сувда 3-5 дақиқа ушланади. Пишмаган меваларни ёғоч қошиқ билан эзиш керак. Пишириб олинган меваларга шакар ёки сироп солиб, тайёр бўлгунча қайнатилади.

1 кг мевага 1,4 кг шакар солиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қарори. – Тошкент, 2019 йил 11 декабрь.
2. Абдуллаев Р.М. “Тошкент вилояти шароитида Олтинсимон қорағат навларини ўрганиш”, Республика илмий-амалий анжумани. Тошкент 2017. (II/IX) 11-14 б.
3. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Ҳ.Р., Шодиев С., Қосимов А. Олтинсимон қорағат навларини қаламчаларидан кўпайтириш муддатларини ўрганиш // Агро илм 2-(52) сон, 2018. - 49-50 б.
4. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Денизбанк” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан – иборат тўплами.
5. Абдуллаев Р.М. Олтинсимон қорағат навларининг истиқболли навлари ва гибридлари. // “Минтақалараро мевачилик ва узумчиликнинг ҳолати, муаммолари, истиқболлари (Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил бўлганининг 120 йиллигига бағишланган)” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани. 2018 йил 10 сентябрь. – 41-б.

6. Абдуллаев Р.М., Қосимов А.А., Шодиев С.И. “Олтинсимон қорағат навларидан турли муддатларда кўчат етиштириш усуллари” Агро Илм журнали, 2019 – №1. 31 б.
7. Abdullaev R.M., Abdullaeva Kh.R., Kosimov A.A. “Studying the drought-resistance of berry plants”, International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 y, PP-3859-3870
8. Арсеньева Т.В. Особенности биологии и селекционная ценность красной смородины в условиях Северо-Запада Нечерноземья: 06.01.05– Селекция и семеноводство: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. с.-х. наук / Татьяна Владимировна Арсеньева. – Санкт-Петербург, 1992. – 20 с.
9. Боровков В.В. Биохимические аспекты созревания и опадения плодов черной смородины: 03.00.12 – Физиология растений: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. биол. наук / Вадим Валентинович Боровков. – Москва, 1997. – 25 с.
10. Горбунов И.В. Изменчивость *Ribes nigrum* L., *R. spicatum* Robson, *R. procumbens* Pall. Восточного Забайкалья (бассейн реки Ингоды) / И. В. Горбунов // Изв. Оренбург. гос. аграр. ун-та. – 2011. – № 2. – с. 228-231.
11. Резанова Т.А. Морфо-анатомические и экологические особенности *Ribes Americanum* Mill. при интродукции на юге среднерусской возвышенности: 03.02.01 – Ботаника: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. биол. наук / Татьяна Алексеевна Резанова. – Белгород, 2010. – 20 с.

12. Тохтарь Л.А. Биологические особенности красной смородины подрода *Ribesia* (Berl.) Jancz. при интродукции в условиях Белгородской области: 03.02.01 – Ботаника: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. биол. наук / Людмила Анатольевна Тохтарь. – Белгород, 2011. – 23 с.

10.000 сўм

42.358
Қ 59

Қорағат етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк»
АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. -52 б.

ISBN 978-9943-7169-8-8

УЎК 631.53.032:634.721
КБК 42.358

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ҚОРАҒАТ ЕТИШТИРИШ

42-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусахҳиҳ:

М. Тожимаметова

Компьютерда тайёрловчилар:

З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидахмадов

Дизайнер:

С. Дониёров

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 12.07.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₁₆
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 10 000 нусха. Буюртма рақами: 2259

Нашриёт уйи “Тасвир”

Тошкент – 2021

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.

AGROBANK

 www.agrobank.uz

 @agrobankchannel

 1216

 /agrobankuzbekistan

**Қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиш
қатъиян тақиқланади**

ISBN 978-9943-7169-8-8



9 789943 716988